

## 99-боб. Қулга ёки ходимга берилган нафақа садақадир



11:00 / 27.10.2020 1249

Миқдоддан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ўзинг учун ишлаб топган таоминг садақадир. Болангга, аёлингга ёки ходимингга едирган таоминг ҳам садақадир», деганларини эшитдим».

*Шарҳ:* Чунки Аллоҳ таоло ҳалолга буюрган. Ушбу буйруқни адо этиш ниятида топилган молга савоб берилади. Шундай экан, инсоннинг ҳалол йўл билан топилган таомдан ўзига ишлатгани, аҳлига ёки ходимига бергани садақа ҳисобида бўлади. Яъни аслида инсоннинг зиммасидаги вазифаси бўлган бу ишларга ҳам савоб берилар экан. Бу худди намоз ўқиш вазифамиз бўлса-да, уни ўқиганимиз учун Аллоҳ таоло савоб бергани кабидир.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Садақанинг афзали етарлиси қолдирилганидир. Юқори қўл қуйи қўлдан яхшидир. Ва қарамоғингдагилардан бошла. Хотининг: «Менга нафақа бер ёки талоқ қил», дейди. Мамлуқинг: «Менга нафақа бер ёки озод қил», дейди». Боланг: «Мени кимга ташлаб қўясан?» дейди».

*Шарҳ:* Шунинг учун мўмин-мусулмон садақа олувчи бўлиб қолмасликка, садақа берувчи бўлишга ҳаракат қилиши керак. Ҳадисда берувчи қўл олувчи қўлдан юқори қўйиляпти. Бу, садақа берувчи садақа олувчидан яхшироқ, деганидир.

Мўмин-мусулмон одам ушбу ҳадисга амал қилиши учун етарли маблағга эга бўлиши, иқтисодий жиҳатдан садақа бериб юрадиган даражага етишга интилиши, тадбиркор бўлиши керак.

Садақа беришни кимдан бошлаш керак? Аввало киши ўзига, яъни ўз оиласига, аҳли-аёлига, қўл остидагиларга садақа бериши керак. Баъзиларга ўхшаб ўз оиласининг ризқини қийиб, хўжақўрсин учун, фалончи фалонча ош дамлабди, деганга ўхшаган гаплар учун бировларга садақа бериш яхши бўлмайди.

Инсон аввал ўзига тегишлиларни таъминлаб қўйиши керак. Масалан, оилада аёл ўз нафақасини талаб қилиб туради. Худди шунингдек, фарзандлар ҳам, қуллар ҳам ўз таъминотини талаб қилар экан.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам садақа беришга буюрдилар. Шунда бир одам:

«Менинг бир динорим бор», деди.

«Уни ўзингга сарфла», дедилар.

«Менда яна бир динор бор», деди.

«Уни аёлингга сарфла», дедилар.

«Яна бошқаси бор», деди.

«Уни ходимингга сарф қил. Ундан кейин ўзинг биласан», дедилар».

*Шарҳ:* Демак, одам аввал ўзини, кейин оиласини, қўл остидагиларни таъминлаши керак. Шундан кейингина ўз ихтиёрига қарайди. Ўз эҳтиёжидан ортган молдан қилинадиган садақани кимга ва қанча бериш ҳақида бошқа ҳадиси шарифларда сўз юритилган.

**«Одоблар хазинаси» китобидан**